



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 31 май, № 105 (5779)

Жума

Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

Янгибозор туманидаги “Мирзо Халилло ўғли” хусусий корхонаси томонидан деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа амалга оширилди.

### Янгибозорда янги лойиҳа

— Кичик корхонамизда кунига 10 минг донадан ортиқ сифатли пишик гишт тайёрланмоқда, — дейди корхона раҳбари Халилло Шомуродов. — Бизнесимизни йўлга қўйишда ўз маблағимиз ҳамда банкнинг 80 миллион сўмлик кредитидан фойдаландик. Натижада 13 кишининг доимий бандлиги таъминланди.

Ойбек РАХИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Боғ чирой очди

Асака маданият ва истироҳат боғининг бир қисми ёшлар ихтиёрига топширилди, бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари авж олди.

Хусусан, масканда ҳомийлар ёрдамида 1100 ўринли ўйингоҳ капитал таъмирдан чиқарилди. Болажонларга завқу шавқ улашувчи аттракционлар ишга туширилди.

— Жорий йилда боғимизда спорт клуби, сузиш ҳавзаси, дам олиб ҳордиқ чиқара-

диган жойлар ҳам ташкил этилади, — дейди “Камолот” ёшлар маскани раҳбари Одижон Маманазаров. — Бу мақсадлар учун 2,5 миллиард сўм йўналтириляпти.

Одижон ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Имтиёзли

#### кредит самараси

Узун туманидаги “Узун Аҳрор сервис” хусусий корхонаси томонидан Тўпаланг дарёси бўйида тош ва кум саралаш корхонаси ишга туширилди.

Бунинг учун банкнинг 250 миллион сўмлик имтиёзли кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида соатига 15 куб тош ва кум сараланиб, бюртмачиларга етказилмоқда.

— Бизда қурилиш ашёлари нархи бирмунча арзон, — дейди корхона раҳбари Санжар Сайдалиев. — Чунки тайёрланаётган маҳсулот учун хом ашё узоқдан ташиб келтирилмаяпти. Қолаверса, ускуналаримиз электр энергиясини кам сарфлаб, кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Нормурод ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Юқори сифат, қўшимча имконият

Бекобод шаҳридаги “Металлург” шифохонаси қошида махсус ихтисослаштирилган дорихона фаолият бошлаши билан муассасада даволанаётган беморлар учун қўшимча қулайлик яратилди.

Чунки бу ерда кундалик зарур инъекцион эритмалари ва махсус таркибга эга препаратларни тайёрлаш учун, бор-йўғи, 15 дақиқа кифоя.

— Айни пайтда шу турдаги дори-дармонлардан 17 хилини тайёрлашни ўзлаштирдик, — дейди муассаса фармацевт-технологи

Зилола Маъмуржоновна. — Дорихонамизда ишлаб чиқариш жараёни мезъёрий талабларга тўла жавоб беради. Тайёрланаётган ҳар бир малҳам лабораториямизда сифат текширувидан ўтиб, юқори босимда стерилланади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## МЕҲРДАН ЯРАЛГАН ДУРДОНА



Республикаимизда оилавий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор оила муҳитида шаклланиб, сайқал топадиган миллий хунармандчилик ривожига янги даврни бошлаб берди. Натижада унинг унутилиб кетаётган кўплаб турлари истиқлол йилларида қайта тикланиб, жаҳон узра доврўқ қозонди.

### ХУНАРМАНДЧИЛИК

Бунда Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида белгилаб берилган имтиёзлар рағбатлантирувчи омил бўлаётганини алоҳида қайд этиш керак.

Қарши туманидаги Ниёзмудин қишлоғида истиқомат қилувчи 76 ёшли Маҳфират ая Равшанова ҳам оилавий тадбиркорликка ярати берилган шарт-шароитдан унумли фойдаланиб, каштачиликни санъат даражасига кўтаришга муваффақ бўлди. Пировардида у тиккан сўзаналарга бўлган талаб тобора ошиб, ёшлар орасида ушбу хунарни ўрганишга бўлган иштиёқ кучайди.

(Давоми 2-бетда).

## ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятида яққол намён бўлмоқда

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда инвестициявий муҳитнинг яратилиши ва шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Бир мисол. Кейинги йилларда Хитой иқтисодий жиҳатдан янада юксалиб, хориждан тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш ҳажми бўйича етакчилар сафига қўшилди.

### ЖАРАЁН

Бундай улкан ютуқлар Хитойнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлабгина қолмай, балки маҳаллий тадбиркорлик тузилмаларининг хориждаги фаолиятини кенгайтириш имконини ҳам бермоқда.

Гап шундаки, эркин иқтисодий ҳудуд мақоми олан жойларнинг кўпайиши тараққиёт омил бўлди. Хитойда эркин иқтисодий зоналар экспериментал ижтимоий хусусиятга эга. Яъни мамлакатда бозор иқтисодиётининг самарадорлиги алоҳида олинган эркин иқтисодий зоналар мисолида аниқланган.

Биласиз, Президентимиз

миз ташаббуси билан Навоий шаҳри халқаро аэропорти ёнида МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилган. Бундан кўзланган асосий мақсад — жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорига талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминладиган замонавий ҳамда юқори технологияли ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи

галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яра-

тишдир. Шунингдек, вилоятнинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш қудратини янада ошириш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш назарда тутилган.

Кейинги йилларда республикаимизда ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш борасида қўрилган амалий тадбирлар натижасида қулай инвестициявий муҳит шакллантирилиб, кўпроқ чет эл инвестицияларини жалб қилишда катта тажриба тўпланди. Бунда, табиийки, Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвести-

циялари тўғрисида»ги ҳамда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, воҳада чет эл инвестицияларини жалб этиш, хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бугун ўз самарасини бермоқда. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектларда кенг қўламли юқори технологияли, замонавий ускуналар ва технологик линиялар ҳамда модулларни, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

(Давоми 2-бетда).

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Яқинда “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамда “Шарқ либослари” дизайн маркази вакилларида иборат мамлакатимиз делегацияси Францияда бўлиб қайтди.

## ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Ушбу сафар чоғида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Франция Тўқимачилик саноати иттифоқи Бош ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган аънанавий мажлисида қатнашди.

Мазкур тадбир доирасида Франциянинг Тўқимачилик ускуналарини ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, Ипак ва пахта саноати федерацияси ҳамда қатор тўқимачилик компаниялари вакиллари билан музокаралар ўтказилди.

Мамлакатимиз деле-

гациясининг Эпиналь шаҳрига сафари чоғида эса Ўзбекистон — Франция кооперация биржаси ҳамда Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда республикаимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва кенг қўламли ўзгаришлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай имтиёз ҳамда преференциялар ҳақида Франция ишбилармонларига батафсил маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда).

## Ёзги таътил мароқли ўтади

Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган.

Мамлакатимизда эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар

фарзандларни жисмоний ва маънавий-интеллектуал ривожлантириш масканлари сифатида шакллантирилди. Ушбу

сифатида йўналиш тарбия-даги ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Болаларни ёзги соғломлаштириш йўналишида янгича ёндашув ҳаётга татбиқ этилиши мисолида буни яққол кўриш мумкин. Унга биноан, болалар оромгоҳлари нафақат жисмоний соғломлаштириш, балки

иўналишларнинг самарадорлигини оширишда оромгоҳларда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси муҳим дастурилмал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ободлик оиладан бошланади

Жиззах шаҳри ва Фориш туманида “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида ёшлар акцияси якунига етди. Мазкур тадбир вилоят хотин-қизлар кўмитаси, “Камолот” ёшлар ихтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

### ЁШЛАР АКЦИЯСИ

Икки кун давом этган ушбу акцияда турли маънавий-маърифий тадбирлар, хусусан, “Китоб байрами”, аёллар ва ёшларнинг спорт фестивали ҳамда марафон мусобақаси ўтказилди.

Дастлаб Фориш туманидаги 1-умумтаълим мактабида “Ободлик оиладан бошланади”

мавзуида ташкиллаштирилган маънавий-маърифий учрашув “Тўмарис” аёллар спорт фестивалига улашиб кетди. Унда Осмонсой маҳалласи волейболчилари ва Оқтом маҳалласи баскетболчи хотин-қизлари голибликни кўлга кiritишди. Стол тенниси, шахмат, энгил атлетика мусобақа-

лари ҳам қизгин ва муросасиз кечди.

— Биз фестивал доирасидаги “Отам, онам ва мен — оилавий спортчиларимиз” деб номланган беллашувда иштирок этиб, ғалаба қозондик, — дейди Сайёд маҳалласида яшовчи Шухрат Маҳкамов ва Қимматой Даминова. — Фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзига одатланиши, иродаси мустаҳкам бўлиши ҳамда улардаги интилувчанликни шакллантиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йил биринчи чорагида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси томонидан йўловчи ташиш ҳажми 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан

10,2  
фоиз ўсди.

Ҳаво кемалари паркинги янгиланган ва унификация қилиш бўйича дастурларнинг изчил амалга оширилаётгани, авиакомпания линияларида замонавий ҳамда тежамкор янги самолётлардан фойдаланилаётгани туфайли ҳар бир рейсда учадиган ўртача йўловчиларнинг сони муттасил кўпайиб, пировардида ана шундай ижобий натижага эришилди.





зонасида Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, АКШ, Германия, Хиндистон, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатлар иштирокида 25 та инвестиявий лойиҳа амалга оширилмакда. Юқори технологиялар асосида автосаноат учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб

да. Ҳозиргача 855 миллион сўмлик ана шундай маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

Худудда самарали фаолият кўрсатаётган корхоналар қаторига «УзМинда» кўшма корхонасини ҳам қиритиш мумкин. «Узавтосаноат» АҚ ва Хиндистоннинг «Minda

# ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда».

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси аъзолари Парижда Эраклар либослари федерацияси, Аёллар либослари федерацияси, Франция мода институти ҳамда «Academie internationale de coupe de Paris» модельерлар олий мактаби фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Кайд этиш жоизки, мамлакатимиз вакиллари томонидан тақдим этилган Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғининг тарраққети, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти, Ўзбекистон дизайн-нерлар ва модельерлар уюшмаси, «Осие рамзи» Ўзбекистон модельерлари уюшмаси сингари муассасаларнинг фаолияти ҳамда ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Style.Uz» санъат ҳафталиги хусусидаги маълумотлар Франция мода саноати намояндаларидан катта қизиқиш уйғотди.

Франциялик ишбилармонлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликка, жум-

ладан, Ўзбекистон пахта толаси ва ип маҳсулотларини бевосита етказиб бериш юзасидан ўзаро алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканликларини маълум қилдилар.

Франция Тўқимачилик саноати иттифоқи президенти Ив Дюбеф Ўзбекистонни пахта етиштириш ва экспорт қилиш бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан бири сифатида эътироф этар экан, юртимиз заминидан етиштирилган пахтадан юқори сифатли матолар ишлаб чиқарилиши таяжидлади.

— Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун барча шарт-шароит, жумладан, юқори малакали кадрлар, бой табиий ресурслар, солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар мавжуд, — деди у. — Ўзбекистон делегациясининг Франция Тўқимачилик саноати иттифоқи Бош ассамблеясининг бу йилги мажлисида иштирок этиши эса мамлакатларимиз ишбилармонлари ўртасида узоқ мuddатли шериклик алоқаларининг кенгайишига хизмат қилади.

Франция мода институти бош директори Доминик Жакоме ўзбекистонлик ҳамкасблари билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, хусусан, кўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, ахборот, тажриба ва технологиялар алмашиш, ўқитиш ҳамда талабалар учун малака ошириш курсларини ташкил этиш юзасидан келишувларга эришилганини маълум қилди.

«Academie internationale de coupe de Paris» модельерлар олий мактаби президенти Жан-Филипп Воклар Ўзбекистон мода ва дизайн бўйича ўзига хос аъёнларга эга эканлигини қайд этди.

— Мактабимиз ҳар йили 120 нафарга яқин мутахассис тайёрлайди, — деди у. — Биз келажикда мактабимизга ўзбекистонлик ёш мутахассисларни қабул қилишни режалаштирганмиз.

«Жаҳон» АА. Париж

# ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятида яққол намоён бўлмоқда

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда».

— Ҳозирги вақтда виллоятимиз худудида дунёнинг 22 мамлакатли инвестициялари иштирокидаги 47 та корхона фаолият юритмоқда, — дейди виллоят таъсисчи алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Уктам Исломов. — Улар томонидан халқ ҳўжалиги учун зарур озик-овқат, машина-созлик ва металлга ишлов бериш, қурилиш моллари, кимё ва нефть-кимё, электротехника, фармацевтика ва косметика, рангли металлургия маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Айни пайтда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий

чиқараётган «Uz Erac Cable» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея кўшма корхонаси — шулардан бири. Бу жамонинг ишчилари, асосан, ёшлардан иборат. Яъни уларнинг 87 нафари олий ўқув юртлири ва касб-хўнар коллежларини тугатган малакали мутахассислардир.

Бугунги кунда корхонада 39 турдаги автомобиль кабеллари ишлаб чиқарилаётган. Утган йили амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари боис Жанубий Кореядан келтирилган 272 минг АКШ долларлик технология уқунлар ёрдамида юртимизда ишлаб чиқарилаётган «Cobalt» русумли автомашина аккумуляторлари учун жгўт тайёрланмоқ-

Capital Ltd» компанияси инвестициялари асосида ташкил этилган мазкур корхонада «Telecom Innovations» рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи DSLAM ва ADSL моделлари ишлаб чиқарилаётган.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида хориж ва маҳаллий инвесторлар томонидан жорий йилда ҳам ўнга яқин янги корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Ҳозир ажратилган жойларда қурилиш-монтаж ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бу эса худудда келгусида яна қўллаб иш ўринлари яратилишидан далолатдир.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Тинчлик ва осойишталик кафолати

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик кафолати сифатида ички ишлар идоралари тизимини ислох қилиш, уни бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## ТАДБИР

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарори билан Ички ишлар вазирлиги ташкил этилганини айтиш зарур. Утган даврда ушбу ҳужжатдан келиб чиқиб, ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллашти-

риш, таркибий тўзғалмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ҳамда хизматни тўғри ташкил этиш йўналишларида кенг қўламли ишлар рўёбга чиқарилди.

Президентимизнинг 2001 йил март ойидаги Фармони билан тизимдаги жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш, тергов, ҳўқуқбузар-

ликларнинг олдини олиш, патруль-попс хизмати ва жамоат тартибни сақлаш, ёнғин хавфсизлиги ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолияти янада кўчайтирилди.

1991 йилда вазирлик ҳўзурида ташкил этилган «Қўриқлаш» бирлашмаси фаолияти ҳам босқичма-босқич ривожлантирилаётган. Натижа эса шунга нос бўлмоқда. Кейинги 22 йил давомида мазкур хизмат томонидан қўриқланаётган муҳим аҳамиятага эга объектлар сони ўч баравар ошди. Айни чоғда уларнинг ҳўмояся, хавф-

сизлиги ва мудофасини таъминлаш-попс хизмати ҳамда тартибни сақлаш, ёнғин хавфсизлиги ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолияти янада кўчайтирилди.

Ички ишлар вазирлиги ҳўзуридаги «Қўриқлаш» бирлашмасида ташкил этилган қўриқлаш хизматининг долзарб масалаларига бағишланган тадбирда ушбу масала атрофида таҳлил қилинди. Ҳўсусан, мазкур хизматнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб боргани сари унинг хизмат кўрсатиш қўлами кенгайяётгани эътироф этилди. Анчироқ айтганда, бугун-

ги кунда қўриқлаш хизмати томонидан нафақат турли аҳамиятдаги объектлар, шунингдек, аҳоли хонадонлари ҳам қўз қорачиқдек асраб-авайланмоқда. Қўриқлашнинг ушбу тури йўлга қўйилган кезларда 50 та хонадонга хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозир улар сони 9 мингта яқини ташкил этмоқда.

Анжуманда соҳага замонавий қўриқлаш техника воситаларини янада кенг жалб этиш ҳамда бундай техникалар ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам маълумот берилди.

Ш. ХОЛТЎРАЕВ.

# МЕҲРДАН ЯРАЛГАН ДУРДОНА

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда».

— Сўзананинг тури кўп, хўсусан, унинг босма, кандаҳиёл, чиндаҳиёл, хомдўзи, йўрма, ироқи, погур, илмок, баҳя каби чок турлари кенг тарқалган, — дейди Маҳфизат ая. — Бундан ташқари, кашандаларнинг бодомулли, настарин, гултожиҳўроз, турна куроқ ва бошқа хиллари ҳам бор. Матода нақш яратиш инсондан кўп матонат талаб этади, албатта. Чўчки битта гулли қўлдан чиқариш учун соатлаб ишлаганга тўғри келади. Лекин бундан чарнамайман, нақшларнинг ҳар бир безагини кўрганимда ҳўзурланаман. Чарчоқларим тарқаб кетади.

Айни пайтда ҳўнарманд 4 нафар кизи, ўнлаб невар ва чевараларига каштачиликнинг сир-асрорларини ўргатмоқда. Шогирдлари орасида, айникса, невараси Феруза Худойбердиева, келини Зилола

Турдиева, чеваралари Нилуфар ва Дилсўз Чориевалар момоси касбиня яхши ўзлаштирди. Ҳозирги кунда момо тиккан катта-кичик ҳажмдаги юзлаб ҳўнармандчилик маҳсулотлари буюртмачиларга пешма-пеш етказиб берилаяпти. Ушбу хо-

надонда тикилган сўзаналарга талабнинг юқорилиги шундаки, бу ерда ипакдан урчўқда ип йиғирилиб, бўғлади ва улар хонадон соҳиб Раҳмон бобо Худойбердиев ясаган бизгизда тикилади.

Ниёзмўдун кишлоғи —

хўнармандлар макони. Бўюк Ипак йўлида жойлашган ушбу кишлок каштадўзалари тиккан сўзана, нимсўзана, зардевор, жойлўш, белбоғ, пешонабанд, шона-халта, ойна-халта, қаламдон-қоп каби миллий буюмлар қадимдан маълум машҳур. Юртимизда оилавий тадбиркорлик истиқболни учун яратиб берилётган қўлайликлар Маҳфизат ая сингари хўнармандлар саноатининг кўпайишига хизмат қилаяпти. Жорий йилда виллоятдаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 263 миллиард сўмлик кредит ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан 28 миллиард сўми оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган. Бу, ўз навбатида, фақат миллий хўнармандчилик ва оилавий тадбиркорлик ҳисобига 24 мингта янги иш ўрни яратилишига туртки бўлиши, айникса, қувонарлидир.

Аҳод МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

## ТАҚДИМОТ

Пойтахтимизда «Инсоннинг одил судловга бўлган ҳўқуқларини амалга оширишни ахборот билан таъминлаш» мавзўига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.

# ОДИЛ СУДЛОВ

аввало, инсон манфаатларига хизмат қилади

Инсон ҳўқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Гўёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича БМТ Бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатахонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда суд ҳокимияти, жазони ижро этиш, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институти вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг энг муҳим йўналишлари — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳўқуқи ва манфаатларини ишончли ҳўмояся қилишга қаратилган суд-ҳўқуқ тизимини исчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Шу боис юртимизда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳўқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ўз ҳўқуқларини муҳофаза қилиб, судга мурожаат этишлари Конституциямизда ҳамда мавжуд қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаро ўз ҳўқуқ ва эркинликлари бузилган тақдирда, шикоят билан судга ёки ҳўқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга мурожаат қилиши мумкин.

Шу хўсусда сўз борган давра сўҳбатда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд фаолиятини самарадорлигини ошириш мўҳими, бунда, аввало, тўқимчи юрист кадрларни тайёрлаш, ходимларнинг малакасини юксалтириш, шу билан бир-

га, ахборот-маърифий, таълим ва тарғибот ишларини кўчайтириш мақсада мувофиқлиги айтиб ўтилди. Айникса, суд-ҳўқуқ тизимида фаолият юритадиган ходимлар нафақат миллий қонунчилигимиз нормалари, балки инсон ҳўқуқларига оид халқаро ҳўжжатларнинг мазмун-моҳиятидан ҳам хабардор бўлиши зарурлигига тўқталиб ўтилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини ҳамда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тежкорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишчил амалга оширилаётганини эътироф этишди. Бу борада «Хабас корпус» институтининг жорий қилиниши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамқоқ олишга санкция бериш ҳўқуқи прокурордан судга ўтказилиши инсоннинг конституциявий ҳўқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳўмояся қилишда муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда жиноят-ҳўқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислохотлар натижасида жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгаришларга мувофиқ, тергов ва шахсни қамқоқда сақлаш мuddатларини қисқартиришга эришилаётгани ҳам айни мuddаоид.

Тадбирда Миллий марказ ҳамда Гўёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича БМТ Бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатахонаси томонидан «Одил судлов соҳасида инсон ҳўқуқлари» туркуми доирасида ўзбек ва рус тилларида чоп этилган «Ушлаб турилганлар ва қамқоққа олинганларнинг ҳўқуқлари», «Ҳўмояся қилиш ҳўқуқи», «Гўвоҳнинг ҳўқуқлари» инимия қилиш» рисолаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Яқунда суд-ҳўқуқ ислохотларини амалга оширишда Ўзбекистон ва хориж тажрибаларининг ўзига хос томонлари қизғин муҳокама этилди, тегишли тақлиф ва тавсиялар берилди.

Зиёда АШУРОВА.



## 31 МАЙ — ХАЛҚАРО КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташаббуси билан 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни сифатида эълон қилинган. Ушбу санада дунёнинг қўллаб-давлатларида сигарета ишлаб чиқариш, чекиш тақиқланади, тамаки маҳсулотлари савдоси тўхтатилади. Анжуманлар, фестиваллар ташкил қилиниб, кашандалик иллатига мубтало бўлганлар яна бир қарра огоҳликка чорланади.

чиқариш ва рақобатни ривожлантириш худудий бошқармаси истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳўмояся қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бўлими бошлиғи Дилшод Остонов. — Ҳўсусан, бундай маҳсулотларни йиғирма ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек, таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш

умумэтироф этилган халқаро ҳўқуқ нормаларига мамлакатимизнинг фаол ёндашувини яна бир қарра кўрсатди. Бу каби саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини янада оширишда, албатта, тамакига ружу қўйганларнинг иродаси муҳим роль ўйнайди. Афсуски, аксарият чекувчилар ундан воз кечиш ҳақида гап кетганда «қўлим

соннинг шаклланишида тарбия воситалари қаторида айнан шахсий намуна энг юқори ўринда турадиган. Демак, кашанда нафақат ўзини, балки фарзандларини ҳам бу йилдан асраш учун ўз иродасига қатий таяниши лўзим.

— Кашандалар орасида тамаки мейхан қобилиятини оширади, деган нотўғри қараш мавжуд, — дейди врач-нарколог Мирали Соатов. — Чекиш натижасида асаб ҳужайралари фаолияти қисқа вақтга кўзгалди ва бу ҳолат тезда тўхтайдиган. Оқибатда миё тоқис кўзгалдишга одатланади. Маълум давр ўтгандан сўнг эса организм никотин талаб қила бошлайди. Асаб ҳужайралари кўзгалдириши натижасида кашандалнинг боши оғриғиди, бўлар бўлмагса асаб қўнғи, тез чарчоқ ва мейхан қобилияти суясади. Усирилар орасида, асосан 14, 17, 19 ёшларда чекишга қизиқиш кўнади. Бу пайтда ота-оналаримиз янада эътиборлироқ бўлишлари зарур. Масалан, болани кичиклигидан спорт билан шуғуланишга ўргатиш худди шундай босқичлардан яхши самара беради. Энди қизлар ва ёш оналар масаласига келсак, улар нафақат ўзларини, балки келажак авлоднинг ҳам жинсонан, ҳам ақлан ривожланишига сабабчи бўладилар. Маҳалла-қўй, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар, умуман, барчамиз бунга биргаликда курашишимиз зарур.

Инсонга ҳаёт бир марта берилди. Шундай экан, умрингизни чекиб ҳазон қилманг.

Ҳолида ФАЙЗЕВА, журналист.

# РОҲАТ ДЕБ ОҒУНИ ТАНЛАМАНГ

Бу аънана, мана, 1980 йилдан бўён давом этиб келаяпти. Халқаро спорт уюшмалари, федерациялар, спортчилар ҳам бундай хайрли тадбирларни доимо қўллаб-қувватлашади. Масалан, Канадада бўлиб ўтган кички Олимпиада ўйнаилари, Жанубий Африка Республикасида уюштирилган футбол бўйича жаҳон чемпионати, Хитой давлати мезбонлик қилган ёзги Олимпиада ўйнаиларида айнан чекишга қарши кураш шiori қилиб олинганди.

Халқаро жамоатчиликнинг мазкур масалаларга жиддий эътибор қаратишининг боиси бор, албатта. Гап шундаки, дунё микёсида турли хасталиклар тўғрисида ҳаётда кўз юмаётганларнинг аксарияти айнан тамакига ружу қўйганлар бўлиб чиқмоқда.

Мамлакатимизда ҳам кашандаликка қарши кураш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилаётган. Ҳўсусан, 2011 йилнинг 5 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуни

қабул қилинди. Ушбу Қонун фуқароларнинг, аввало, йиғирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини алкокоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан болғик илтимойи ва бошқа салбий оқибатлардан ҳўмояся қилишга, шунингдек, жамиятга соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топиришнинг ташкилий ва ҳўқуқий шарт-шароитларини яратилишига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унга мувофиқ, иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиб хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автотомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаларида, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмаиди.

— Қонуннинг 13-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилишга доир чеклашлар белгиланган, — дейди Навоий виллоят хўсусийлаштириш, монополиядан

юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектлари томонидан доналаб, қўтисиз (ўровсиз) сотилиши

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили Ер юзиде 6 миллион нафарга яқин киши чекиш оқибатида орттириб олган касаллиги кўрсобига айланапти. 17 миллион киши эса юрак-қон томир, ўпка саратони, сил, ошқозоноти беэи яллиғлиниши каби хасталикларга гирифтор бўлаётган.

мумкин эмас. Бугунги кунда юқорида айтилган муассасалар худудиде жойлашган савдо нуқталарига алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳўқуқини берувчи лицензия берилмаяпти. Яна бир гап. 2012 йилнинг 24 апрелида «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенцияси» (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўйиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу

дан келмаиди», деган нотўғри фикрнинг онгларига сингирдиб олганлар. Ваҳолонки, шифокор кўриги, рухшўнос маслаҳати билан соғлом ҳаёт тарзига қайтганлар беҳўсуд. Аслида тарғибот ва ташвиқот жароғида ана шуларнинг намуна қилиб кўрсатиш мақсадаги мувофиқ, набаримизда. Ёки замонавийлик (айрим кашандаларнинг фикрича шундай) дея тамакига тутқун бўлганлар орасида аёллар, қизлар ҳам борлигига нима дейсиз?!

Ахир бу келажикда соғлом наслга салбий таъсир кўрсатади-ку! Турғи, фарзандини зарарли одатлардан асрашга уринадиганлар ҳам кўп. Бу яхши жиҳат. Лекин узоқ йиллар кашандаликка боғланиб қолганларнинг «Мен чекиб, соғлигимни йўқотдим, сен бундай қилма» қабилотидаги панд-насихатлари самара берасида ўзини унча оқламайди. Чўчки ҳеч бир омил шахсий намуначилик қўйилган натижани бермаиди. Мутахассисларнинг фикри ҳам шундай: ин-

# HALQ BANKI

Мамлакатимизда иқтисодийнинг асосий бўғинларидан бири саналган банк-молия тизимини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Натижада банкларнинг капиталлашув даражаси, инвестициявий фаоллиги тобора ортиб, устувор соҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятлари кенгаймоқда.

Жумладан, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда Халқ банки Жиззах вилояти филиалининг ўзига хос ўрни бор. Мазкур молия муассасасининг 12 та филиали, 13 та минибанки ҳамда 64 та шох-бўча томонидан вилоятдаги кичик бизнес ва

ри аҳолисига қулайликлар яратиш ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадида "Аҳолига маиший хизмат курсатиш марказлари" куриш учун банк томонидан 4 миллиард 182 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари берилди. Қувонарлиси, 135 та иш

ни чуқур ўрганиб, замонавий тивув усуналарини сотиб олди. Бугун жамоада лойиха туфайли ишга олинган 48 нафар чевар қиз тикаётган маҳсулотларга хорижлик буюртмачилар талабдор.

Жорий йилда Президентимизнинг "Маҳаллий но-

ассасада иш бошлаганидан жуда ҳам мамнун. Маълумки, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Банк филиали томонидан бу борада ҳам алоҳида режа тузилиб, шу асосда шаҳар-туман филиаллари, минибанклар ва шох-бўчалар ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда фаоллик кўрсатишмоқда. Шу пайтга қадар 32 нафар банк мижозси касаначилик билан шуғуллана бошлади.

## ИЗЛАНИШ ВА ТАШАББУСКОРЛИК — ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

хусусий тадбиркорлик вакиллари, қишлоқ хўжалиги ҳамда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш субъектларига намунали банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Халқ банки Жиззах вилояти филиали кейинги йилларда кичик бизнеснинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш орқали тақлиф этилаётган хизматлар қўламини кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилаётир. Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида банк кредит портфелининг ҳажми йил бошидаги нисбатан 14 миллиард 643 миллион сўмга кўпайиб, умумий миқдори 2013 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, 52 миллиард 596 миллион сўмни ташкил этди.

Бинобарин, иқтисодий-тимизда етакчи кучга айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш, иқтисодий но-чор корхоналарни соғломлаштиришда банкларнинг ролини ошириш бўйича самарали тизим фаолияти йўлга қўйилган муваффақиятлар омили бўлмоқда. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантиришга кўмаклашиш банк вилоят филиали кредит сийосатининг устувор йўналишига айланган.

Жорий йилнинг 1 май кунига қадар филиал томонидан Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бўйича тадбиркорларга 1 миллиард 664 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Умуман олганда, турли тармоқларга кредитлар куринишда жойлаштирилаётган Халқ банки сармоялари ўз самарасини намойён этаётир. Чунонки, Жиззах вилоятининг барча шаҳар ва туманла-

ўрни яратилди. Бошқа бир мисол, Жиззах шаҳридаги "Бону ширинликлари" МЧЖ банкдан олган 420 миллион сўмлик кредити эвазига энг замонавий усуналар сотиб олиб, қисқа даврда бир неча хил янги турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Эндиликда иқтисодий бақувват корхона учун кредитни қайтариш муаммоси қолмади. Энг муҳими, хари-доригр ва сифатли маҳ-



сулотлар ишлаб чиқариш эвазига бу ерда 30 га яқин ёшлар иш билан таъминланди. — Биз харидорларга замонавий маҳсулотларни тақлиф этишни мақсад қилганимиз, — дейди "Бону ширинликлари" МЧЖ раҳбари Рустам Икромов. — Бугун шунга тўлиқ эришдик, десам, муболага бўлмайди. Келгусида банк билан ҳамкорликда хориждан энг замонавий усуналарни олиб келиб, барчага маълум бўладиган ширинликлар тайёрлашни йўлга қўямиз.

Банк филиали давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида Пактакор туманидаги "Нафис Нухса Барокат" МЧЖга 160 миллион сўмлик кредит ажратган эди. Корхона трикотаж кийимларга бўлган талаб-

озик-овқат истеъмол то-варлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори иж-роси юзасидан 1 милли-ард 611 миллион сўм кре-дит маблағлари ажратил-гани, 407 та иш ўрни я-ратилгани ҳам эътиборга моликдир. Шу ўринда яна мисолларга мурожаат қилсак.

Жиззах шаҳридаги "Трикотаж нотўқима" МЧЖ банкдан олган 392 милли-

он сўмлик кредит эвазига замонавий усуналарни ишга тушириб, фаолиятини кенгайтирди. Жумладан, автомобилларга хизмат кўрсатишга киришди, пироваврида 23 та қўшимча иш ўрни очилди.

Жиззах шаҳридаги "Раёхон Шахзод" хусусий тиббиёт фирмаси ҳам 125 миллион сўмлик кредитни хориждан тиббий асбоб-усуналар харид қилишга сарфлади. Ҳозир аҳолига арзон ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётганли-ги боис, мижозлар билан гавжум. 23 нафар тиббиёт коллежини битирган йи-гит-қиз эса барча шарт-шароитга эга тиббий му-

— Чорвачилик билан шуғулланиш мақса-дида Халқ банкига му-рожаат этганимизда, улар икки миллион сўмлик кредитни тез-корлик билан расмий-лаштириб беришди, — дейди Фаллаорол туманидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-ни қайта ишлаш ва сервис касб-хўнара ле-жи битирувчиси Холмухаммад Мусур-монов. — Ниятларим кўп. Албатта, ўз мақса-димга эришаман.

Этиборлиси, Холму-хаммад каби коллеж бити-рувчилари шу пайтга қадар 372 миллион сўмдан ортқ кредит маблағлари билан таъминланди. Яқинда Жиззах шаҳри-да "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган форумда 6 на-фар ёш тадбиркорга им-тиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширил-ди. Сертификат эгалари-га Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси-дан ошмаган миқдорда кредит маблағлари бери-лиши кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, Давлат-тижорат Халқ бан-кининг Жиззах вилояти филиали томонидан амал-га оширилаётган ишлар қўламини кенг. Қолаверса, банк жамоасининг мақсади аниқ, у ҳам бўлса, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, мамлакатимиз иқтисодийнинг барқарор ривож-ланишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Банк матбуот хизмати.

# Qishloq Qurilish Bank

**барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини тақлиф этади:**

- «Меҳр» — муддати 1 ой.
- «Барҳаёт» — муддати 12 ой.
- «Ишонч» — муддати 6 ой.
- «Нишона» — муддати 3 ой.
- «Обод турмуш» — муддати 24 ой.
- «Benifit» — муддати 1-3 ой.

**Ушбу омонат турларига маблаг банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.**

- Тошкент шаҳар минтақавий филиали (8-371) 150-77-21
- Тошкент вилояти минтақавий филиали (8-371) 150-79-19
- Андижон минтақавий филиали (8-374) 222-23-72
- Фарғона минтақавий филиали (8-373) 229-70-91
- Наманган минтақавий филиали (8-369) 223-04-37
- Бухоро минтақавий филиали (8-365) 223-92-21
- Самарқанд минтақавий филиали (8-366) 210-02-49
- Қашқадарё минтақавий филиали (8-375) 771-04-26
- Сурхондарё минтақавий филиали (8-376) 770-83-72
- Қорақалпоғистон минтақавий филиали (8-361) 224-22-15
- Хоразм минтақавий филиали (8-362) 227-48-15
- Сирдарё минтақавий филиали (8-372) 221-00-71
- Жиззах минтақавий филиали (8-372) 771-63-38
- Навоий минтақавий филиали (8-436) 770-27-97

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тулиқ кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93. www.qqb.uz

**«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**  
Хизматлар лицензияланган.

### «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйил-моқда: Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Султонравод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси.

**Бошланғич баҳоси — 87 082 317 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 17 июнь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосида бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг АТИБ «Ипотeka-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, 17-қават, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99893) 577-22-12.**

Лицензия: RR-0052.

### «Universal Auktions Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

**очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.**

2013 йил 2 июль кuni соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 2012 йил 25 июлдаги 1-561-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳар ИИБ ЙХБда сақланаётган:

- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «Одаз-9370» русумли, ранги қизил, давлат рақами 15 В 062.
- **Бошланғич баҳоси — 7 500 371 сўм.**
- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5410» русумли, ранги қизил, давлат рақами 15 АЕ 539.
- **Бошланғич баҳоси — 16 489 509 сўм.**

Езёвон тумани СИБ томонидан ЖИБ Езёвон тумани судининг 2012 йил 29 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «Тисо» русумли, ранги оқ, давлат рақами 15 С 0125.

**Бошланғич баҳоси — 22 100 051 сўм.**

2013 йил 2 июлдаги аукцион савдоси учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 28 июнь кuni соат 17.00 да тўхтатилади.

2013 йил 14 июнь кuni соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2010 йил 20 апрелдаги 15-09-07/955-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳар ИИБ ЙХБда сақланаётган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «MERCEDES-BENZ» русумли, сиёҳранг тусли,

давлат рақами 15 АА 001 бўлган автобус такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 8 274 190 сўм.**

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 12 июнь кuni соат 17.00 да тўхтатилади. Аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktions Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлими МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатинда ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Иختиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.**

Гувоҳнома № 004059.

### «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**Бухоро вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖСК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат, пишиқ гиштдан қурилган икки қаватли 21-уй-жой такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 20 июнь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муд-дати — 2013 йил 18 июнь кuni соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30.**

Лицензия: RR-0001.

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

## ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

- **Фармакогнозия ботаника курси билан кафедраси:** доцент — 1.
- **Дори турлари технологияси кафедраси:** катта ўқитувчи — 1.
- **Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси:** профессор — 2 (токсикологик кимё — 1, органик кимё — 1).
- **Фармакология ва клиник фармацияси кафедраси:** доцент — 1, ассистент — 1.
- **Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси:** профессор — 2 (физколлоид кимё — 1, аналитик кимё — 1).

Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб — 1 ой.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй. Телефонлар: (8-371) 256-37-38, 256-38-50.

### «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Самарқанд вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.**

Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий босқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 6-уйда жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, умумий майдони 12624 кв.м., қурилиш ости майдони 3884,15 кв.м. бўлган база биноси ва унинг мол-мулкларни мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.
2. Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжон» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси.

**Бошланғич баҳоси — 493 437 090 сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 17 июнь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 14 июнь кuni соат 16.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотeka-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz**

Лицензия: RR-0001.

## «Қибрай»

клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сихатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етуқ мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Сихатгоҳда сауна, сузиш ҳавзаси, фитобар, теннис корти, бильярд ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

**Манзилимиз:**  
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автobуc ёки 135-йўналиши тақсиди «Дача» бекати-гача бориш мумкин.

**Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.**

## «Халқ сўзи» ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15, 236-09-25.**  
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Бадий академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси жамоалари Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

**Қосим САЛИДЖАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақилларига чуқур ҳамдардлик ихзор этадилар.

Тошкент автомобиль-йўллар инсти-туту жамоаси Маркетинг бўлими инс-пектори, Хотин-қизлар қўмитаси бош-ланғич ташкилоти раиси Мияссар Умарходжаевага падари бузруквори

**Хуснутдин ШАЙХОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

*Бухородек табаррук  
заминда яшаш ҳар бир фуқаро  
учун ҳам фахр, ҳам улкан масъулиятдир.  
Нега деганда, Бухоронинг шонли тарихи ҳар бир  
фуқарони, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодимизни  
бой маданий меросимизни ардоқлашга, уни кўз қора-  
чигидек асраб-авайлашга, бу тенгсиз бойлик билан  
ҳамиша ифтихор қилишга ўргатади.*

Ислом КАРИМОВ



# Водийларнинг кезгачида...

**Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида саксон-саксон беш ёшни қоралаган онахон эътиборимизни тортди. У фарзандлари қуршовида оҳиста қадам ташларкан, “Шу кунларга етказганига шукр”, деб кўяр, жигарбандларига Ҳазрат Баҳоуддиннинг одамларни ҳалол меҳнатга, ўзаро меҳр-оқибатли, ҳушёр бўлишга даъват этувчи сўзларини эсларди. Онахонни сўхбатга тортдик.**



Қадимдан илму фан, маънавият ва маърифат маскани сифатида ном қозонган Бухорои шариф истиқлол йилларида обод, кўркам ва сўлим масканга айланган. Не-не буюк алломаларга бешик бўлган бу табаррук замин яшнади, яшарди. Воҳанинг шаҳар ва қишлоқларида замонавий мактабу коллежлар, шифоналар, маданий-маиший объектлар қад ростлади. Бог-роғлар барпо этилди. Зиёратгоҳлар обод қилинди. Айни кунларда ҳам бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Куйида турмуш ободлиги, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган **БУХОРО ВИЛОЯТИ**нинг тиниб-тинчимас одамлари ҳақида сўз юритилади.

Кечагидек эсимда, оиламиз даврасида тadbиркорлик ҳақида сўз кетганда, анчадан буён ўйлаб юрган фикримни ўртага ташладим. Туманимиз марказида чоғроқ сутни қайта ишлаш корхонаси анчадан буён ишламай тургани, шу цех сотувга чиқарилганини айтиб, оилавий бизнесни йўлга қўйишдан сўз очдим. Уйдагиларга бу фикр маъқул тушди. Қаранглик, дастурхон атрофида қилган ниятимиз рўёбга чиқиб, мулк эгаси бўлди.

## Эзгу мақсадимиз рўёбга чиқди

Ўшанда 2006 йил эди. Банк томонидан бизнес лойиҳамиз қўллаб-қувватланди. Бизга 50 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Ишни янги ускуналар харид қилиш, мавжудларини созуладан бошладик. Фермерлар, деҳқон ҳўжаликлари билан шартномалар туздик. Ишимиз аста-секин ўнгидан кела бошлади. Илгари сутни топширгани йигирма-ўттиз чакрим йўл босиб, Бухоро шаҳрига борган фермерларнинг ташвиши енгиллашди. Савдо шохобчаларида эса корхонамиз ёрлиги туширилган маҳсулотлар харидорлиги бўла борди. Дастлаб икки киши билан иш бошлаб, кунига 500-600 литр сутни қайта ишлаган бўлсак, ҳозир ишчиларимиз сони ўн беш нафарга етди. Кунига уч тонна атрофида сут қабул қилиб олиб, қаймоқ, қатиқ, сариёғ, сметана каби жами тўққиз турдаги маҳсулотни буюртмачиларга етказиб берамиз.

### Интилиш

Турмушнинг тақдирини тақдир қилмоқчилик. Биздан қорхонамизнинг барқарор ишлаётгани, биз бошлаган иш тўғрисида қандайдир оиланинг рўзғори бут бўлаётганини ўйлаб, янада руҳланиб кетаман. Қолаверса, тadbиркорлик билан шуғулланиб, ўзимиз ҳам кам бўлаётганимиз йўқ. Турмушимиз обод, ҳаётимиз фаровон. Уч фарзандни оқ ювиб, оқ тароб воёга етказдик. Улар элнинг сизими 15 тонна бўлган иккита музлаткича эга бўлди. Жорий йилда эса фаолиятимизни янада кенгайтириш тараддуудиамиз. Корхонамиз қошида ёрдамчи ҳўжалик тузиб, наслдор чўрва моллари парварishiни йўлга қўямиз. Бундан ташқари, пиллоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган бизнес лойиҳамиз ҳам тайёр. Хар иккала лойиҳани банк томонидан молиялаштириш кўзда тутилган. Ниятимиз амалга ошган, 15-20 та янги иш ўрни пайдо бўлади. Ишга эса ёшлар, асосан, коллеж бит

**Мамлакат ТОШЕВА,**  
**Жондор туманидаги**  
**“Жондор чашмаси”**  
**масъулияти чекланган**  
**жамияти раҳбари.**

### Гурур

**Жаннатмонанд юртда яшаймиз. Ҳеч кимдан кам эмасмиз. Мана, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини олиб кўринг. Илгари бугунги юртимизга не-не машаққатлар билан катта маблағ эвазига четдан олиб келардик.**

## Шундай юртда яшаш — бахт

Президентимизнинг бу борадаги оқилона сиёсати тўғрисида ўзбекистон гафал билан ўзини ўзи таъминлайдиган, уни экспорт қиладиган давлатга айланди. Тўғриси, деҳқон сифатида бундан жуда гурурланаман. Шу улкан юртда чўл шароитида меҳнат қилаётган ҳўжалигимиз аъзоларининг ҳам улуши борлигидан фахрланаман. Утган йили 256 гектар майдондан 800 тоннадан зиёд дон йиғиштириб олиб, шартнома режасини ошириб бажардик. Иштиримизда қолган гафални эса ишчиларимизга тарқатдик. Пахтадан ҳам дурустгина даромад кўрдик. Обод турмуш йилида ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш, ишчиларимизнинг рўзғорини бут қилиш ниятидамиз.

ни олайлик. Кейинги йилларда туманимиз маркази кийфаси тубдан ўзгариб кетди. Ҳожа Ориф Моҳитобон зиёратгоҳи обод гўшага айланганди. Янги деҳқон бозори, унлаб сервис шохобчалари, замонавий касб-ҳўнар коллежи биноси, спорт иншоотлари қад ростлади. Кишлоқларимизда намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган уй-ҳўйларни айтмайсизми?! Буларнинг бари истиқлол йилларида халқимиз бунёдкорлик салоҳияти ортигани, ватандошларимиз элим деб, юртим деб яшаётганидан далолатдир. Бинобарин, ёшларимиз бу кунларнинг қадрига етишлари, мамлакатимизнинг ҳар қарч ерини севиб, ардоқлашлари керак. Чунки бундай дориламон кунларга ўз ўзидан эришилгани йўқ.

Барчамизга эзгу мақсад йўлида яшаш, меҳнатимиз роҳатини кўриш насиб этсин!

**Азим ЛАТИПОВ,**  
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## Тарихий қадамжолар оҳанрабоси



### Мерос

— Хоразмликмиз, ўғлим, — дея сўз бошлади Ёқутхон момо Қаландарова. — Хар йили шу қадамжони бир зиёрат қилиб кетмасам, кўнглим жойига тушмайди. Бу ердаги ободончилик ишларини кўриб хурсанд бўлам. Руҳим енгил тортади. Билсангиз, бу табаррук масканнинг оҳанрабоси бор. Мен бундан ўттиз-ўттиз беш йил муқаддам ҳам бу гўшани зиёрат этгани келардим. Қадамжонинг ўша пайтадги аҳолидан сўз очсам, ишонмайсиз. Қабрларни қамшичу юлгун босган, масжиду хонақоҳлар нураб қолган эди. Йўлларни айтмайсизми?! Хоразмдан Бухорога минг бир машаққат билан келганларим эдимда. Энди-чи? Мана, ўғлимнинг “Нексия”сида худди қўшни қишлоққа боргандек бир зумда етиб келдик. Ҳозир юртдошларимиз учун Бухоро туғул, Самарқанд Тошкент бир қадам бўлиб қолди. Зиёратгоҳнинг йил сайин обод гўшага айланиб бораётганини кўриб, “Илоҳим, мустақиллигимизга кўз

чет эллик сайёҳларда ҳам катта таассурот қолдирапти. Улар бу ерда ташкил этилган марказ ходимлари кўмагида Нақшбандия таълимоти ҳақидаги билим ва тушунчаларини бойитиб оларканлар, шуни алоҳида эътироф этишмоқчи. — Ўзбекистоннинг бир қатор шаҳарлари, жумладан, Бухоро ни оилавий томоша қилдик, — дейди испаниялик сайёҳ Жуан Кадефан. — Бизга, айниқса, халқингизнинг тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни кўз қорачигидек асраб-авайлаб келаётгани жуда маъқул бўлди. Турмуши фаровон, қадриятларини эъзозлайдиган халқ эканлигини шундоқ кўриб турибди. Дарвоқе, бизга Ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуллоҳиқ Гиждувоний каби алломалар ҳақида сўзлаб беришди. Нақшбандия таълимоти замиридаги “Кўлинг ишда, кўнглинг ерда, яъни худода бўлсин” деган ҳикмат мени бениҳоя таъсирлангирди. Фарзандларимга энди шу ҳик-

матни бот-бот эслаб туришаман. — Мажмуада ободончилик ишлари йил бўйи давом этади, — дейди Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси ходими Орифхон Амонов. — Мана, кўриб турганингиздек, ҳазратнинг волидаи муҳтарамалари мангу кўним топган маскан сари элтвчи йўлақлар таъмирдан чиқарилапти. Бу ерда ўзига хос дизайнга эга қирқдан зиёд тунги чироклар ўрнатилди. Марказимиз биноси эса тубдан таъмирланмоқда. Шунингдек, меҳмонхона қуриллапти.

Бугина эмас, қадамжо худудида 200 ўринга мўлжалланган анжуманлар зали қурилади. Иншоот фойдаланишга топширилгач, аънавий Нақшбандхонлик республика анжумани худди шу ерда ўтади. Ана шуларни ўйларканмиз, испаниялик сайёҳнинг сўзлари ёдимизга тушди. Хорижиқ меҳмоннинг “Қадриятларни эъзозлайдиган халқ эканлигини”, деган эътирофида катта маъно бор. Юртпарварлик, миллий қадриятларга ҳурмат-эътибор, отабоблар руҳини шод этмоқлик тилаги бизни ораулар ижобати сари бошлаётган бўлса, не ажаб.

**Иброҳим ИБODOV.**

## Сахродаги сайёҳлик маркази



Табиатнинг нозик ҳилқати бўлмиш жайрон жуда ҳушёр, зийрак жонивор. Уттиз йилдан ошдики, марказимиз ана шу камёб тур учун қўрқонча вазифасини ўтаб келапти. Айниқса, кейинги йилларда масканимизда жайронларни асраб-авайлаш, шу ернинг ўзида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун қўшимча қулайликлар яратилгани айни муддао бўлди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, экомарказ худуди 9369 гектарга кенгайтирилиб, 16 минг 450 гектарга етказилган бўлса, бугун майдон “Шўртан газ-кимё” мажмуаси ҳомийлигида симтўр билан ўралиб, вольтер ташкил этилди. Шу тариқа жайронларнинг эмин-эркин

жумладан, йўргатувалок ҳам учрайди. Халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда ҳозир худудимизда девяри йўқ бўлиб кетган қоплонларни бу ерга қайтариш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш тараддуудиамиз. Зеро, масканимиз йил сайин ўзига хос сайёҳлик мар-

## Бухоро ширинликлари

**Бугун қай бир хунараманд билан сўхбатлашманг, “Эртанги кундан кўнглим тўқ”, дейди. Айниқса, қандолатчиларнинг бозори қаққон. Зеро, маърака-мавридларимиз парвардаю ҳолвасиз ўтмайди. Ширинликлар эса тандирдан узилган нон каби дастурхонимиз кўрки, тинч ва фаровон ҳаётимизнинг кичик бир белгисидир.**

— Бухорода меҳмонга бир пиёла чой узатишганда, “Қани, марҳамат, озгингизни ширин қилинг”, дея мўлозамат кўрсатилади, — дейди қандолатчи Ойбек Комилов. — Бу ибора замирида кунингиз мароқли кечсин, сиз билан дийдорлашишдан хурсандимиз, доимо самимий, ширинсўз бўлинг, яхши ниятлар қилинг, деган эзгу тилақлар муҳассам.

Ойбекнинг сўзларини тингларканмиз, ҳаракатларини ҳам кўздан қочирмаймиш. Мана, у қозонга бир кило шакар солди. Икки юз грамм сувда уни обдан қайнатди. Қўём севирига келтирилгач, бир муддат совитилди. Кейин эса қўёмга 250 грамм ун, бир парча қўй ёғи қўшил-

ди. Шундан сўнг махсус халтача орқали аралашмага шакл берилди. Қарабсизки, “Собуни” ҳолва тайёр. Татиб кўрсангиз, оғизда эриб кетади, мазаги, таъми эса бўлакча.

Ойбек болалигини яхши эслапти. Ақаси Отабек билан отасига қўмақлашарди. Мана, бугун унинг ўзи Бухоронинг энг моҳир ҳолвапазларидан. Салкам йигирма йилдирки, шу иш билан машғул. Бодоми қандолат, гардиш ҳолва, новот, парварда, лавз ҳолвани қўйилади. Қандолатпазлик унинг учун оилавий бизнесга айланган. Турмуш ўртоғи, уч фарзанди — яқин қўмақчиси. Ҳаётидан мамнун. Рўзғори бут.

— Шу касбдан барака топдим, —

дейди у. — Бизнинг эмин-эркин иш-лашимиз, имкониятларимизни рўёбга чиқаришимиз учун барча қулайликлар яратилган. Бухоро шаҳридаги “Марказий деҳқон бозори” очик ақ-

— Хар бир ширинликни тайёрлашнинг ўз усули бор, — дейди у. — Биз кунжўт ҳолва тайёрлаймиз. Ундан бир татиб кўриш киши доимий мижозимизга айланади. Даставвал кунжўтнинг ювиб қуритамиз. Сўнг қозонда қовуриб, элакдан ўтказамиз. Қўёмни қайнатиб, унга ёнғоқ мағзини қўшамиз. Аралашмага столга ёйиб, пичоқ билан маълум бир шаклда кесиб чиқамиз. Совиғач, бемалол истеъмол қилиш мумкин.

Ғиждувон бозоридан миллий ширинликларнинг исталган турини учратамиз. Қандолатчилар “Ҳўқиз тили” дея атайдиган оқ рангли ҳолвани ҳам шу бозордан топиш мумкин. Чунки бундай ҳолва бошқа жойларда тайёрланмайди. Бунинг учун тоғлардан келтирилган махсус бех, яъни илди сўвда қайнатилади, совитилади. Кейин чилчўп ёрдамда кўпиртирилади. Қўём тайёрланиб, унга ўша кўпик қўйилади. Ҳосил бўлган аралашмага столда пичоқ билан ҳўқиз тили шаклида кесиб чиқилади. Ҳолвапаз-

лар бундай неъмат сиртига бир дона ўрик мағзини қўйишни ҳам унутишмайди.

— Буларнинг барини онам раҳматли Шарабон Ғафоровадан ўрганганман, — дейди Бадриддин Раҳмонов. — Энди эса билганларимни ўғлим Алишер билан Баҳоуддирга ўртага тапман. Шукр, ҳолвапазлик қилиб кам бўлганим йўқ.

Бадриддин ақининг сўзларини тинглаб, давр шиддати, тезкор замон ҳақида ўйлаб кетсан, киши. Қаранг, ҳаёт нечоғлиқ ўзгармоқда. Техника жадал кириб келмаган соҳа қолмади ҳисоб. Ширинликларнинг ўнаб, юзлаб турлари замонавий, илгор технологиялар воситасида, конвейер усулида ишлаб чиқарилмоқда. Аммо қўл кучи орқали тайёрланаётган парвардаю пашмак, гардишию лафз ҳолваларга талаб ва эҳтиёж кўчайса қўчаймоқда, сусайган эмас. Бу миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир бўлағи саналган қандолатчиликнинг мустақиллик шарофати билан қайта кўз очгани, асраб-авайланаётгани шарофати эмасми?!

**Истам ИБРОХИМОВ,**  
**“Халқ сўзи” муҳбири.**

### Табиат ва биз

қазига айлиниб бормоқда. Бухорони томоша қилгани келганларга экомарказда бўлиш бир дунё завқу шавақ бағишлаётир. Улар юртимизнинг бетакрор табиатидан баҳраманд бўлиб, бир олам таассурот олишмоқда. Қолаверса, марказимиз ёшларни она-табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдек хайрли ишга ҳам ўз ҳиссасини қўшапти. Биргина Утган йили бу ерга икки мингдан зиёд ўғил-қиз келди. Вилоятимиздаги бир қатор мактаб, лицей, коллежлар томонидан ўқувчилар учун очик дарслар ташкил қилинди.

Буларнинг бари марказимизга қизиқиш ва эътиборнинг катталигидан далолат беради. Жамоимиз шуни чуқур ҳис этган ҳолда, бундан кейин ҳам ноёб ҳайвонларни асраш ва қўпайтиришдек хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшаверади.

**Ортиқ МУЗАФФAROV,**  
**“Жайрон” экомаркази директори.**

### Халқ сўзи Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.



**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.



Таҳририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.  
Навбатчи — О. Файзиев.  
Мусахҳач — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50. Топширилди — 21.30. 1 2 3 4 5